



Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

Бўстон тумани-2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни Андижон вилояти Бўстон туман мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги мактабгача таълим ташкилотларига картошка ва сабзи захираси олиш тўғрисида.

1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

2. Техник қисм

3. Нархлар қисми

Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети Андижон вилояти Бўстон туман мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги ташкилотларига картошка ва сабзи захираси олиш.

1.2. Танловнинг охириги қиймати 178250000 сўм (ҚҚС). Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлари қабул қилинмайди ва қўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот (иш, хизмат) бўйича Техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинмаган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Махсулот етказиб бериш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 календар куни.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Бўстон туман Мактабгача таълим бўлими

(бундан кейин-“Буюрмаи” деб аталади)-танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюрмачи” манзили Андижон вилояти Бўстон туман Маданият МФЙ Мустақиллик кўчаси 41-уй e-mail:Bo'stonMTB @inbox.uz

2.2. Танлов etender.uzex.uz платформасида электрон шаклда ўтказилади.

2.3. Танлов “Буюрмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

3.1.Танловда қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берувчи ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) ни бажариш билан боғлиқ фаолияти конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса,танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.3.Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафосида турганлар: озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирмайдиган, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1.Иштирокчилар ўз таклифларни электрон курунишда (etender.uzex.uz) парталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириш лозим.

4.2.Танлов учун таклифлар ва унга тақифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Бююртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига қараб ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3.Танлов хужжатларида куйдагилар тақдим этилиши лозим:

Техник қисм”бююртмачи” томонидан кўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматилар кўрсатилиши лозим:

Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, етказиб бериш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4.Танлов иштирокчиси:

-факат битта таклиф бериши мумкин

-тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади:

-таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5.ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1.Таклифларни тақдим этиш муддатини узайтиришга йўл қўйилмайди.

6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1.Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2.Харид комиссияси давлат харидлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Иштирокчи голиб деб топилгандан сўнг конунчиликда белгиланган тартибда давлат бююртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР


7.1. Давлат буюрмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Таворни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танлов таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушинтириш талаби билан давлат буюрмачисига сўров юборишга ҳақли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюрмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачиси таклифлар бериш муддати тўғайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушинтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушинтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюрмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Давлат харидлари бўйича ҳисобчи:



Б.Обиддинов